



**ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ, ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ
СИФАТИ ҲАМДА ҲАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА БАҲОЛАШ
МУАММОЛАРИ**

Мўминов Нажмиддин Шамсиддинвич – Тошкент давлат аграр университети “Қишлоқ хўжалиги биотехнологияси, стандартлаштириши ва сертификатлаштириши” кафедраси профессори, техника фанлари доктори, техника фанлари доктори, тиминов.najmiddin@mail.ru

Насирова Нилуфархон Қобилджановна - Тошкент Давлат аграр университети “Қишлоқ хўжалиги биотехнологияси, стандартлаштириши ва сертификатлаштириши” кафедраси доценти, кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD); mukhamedovanilufarkhon@gmail.com, тел. +998974335005.

Аннотация: Уибу мақолада етиштириши ва қайта ишишнинг ҳолати ва имкониятлари, шунингдек қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва ҳавфсизлигини таъминлаш, баҳолаш муаммолари, уларнинг экспортини ташкил етиши талаблари, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва ҳавфсизлигини таъминлашда халқаро стандартлаштириши тизимининг роли тўғрисида таҳлилий маълумот берилган. Тадқиқот ва таҳлиллар асосида фаолият соҳасини ташкил етиши ва такомиллаштириши бўйича хуносалар ва тавсиялар ишилаб чиқилган.

Калит сўзлар: қайта ишишнинг ҳолати, озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати, экспортини ташкил етиши талаблари, озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳавфсизлигини таъминлаш, овқатга қўшиладиган биологик фаол қўшимчалар, халқаро стандартлаштириши тизими

**Проблемы обеспечения, оценки качества и безопасности
сельскохозяйственной и пищевой продукции**



Муминов Нажмиддин Шамсiddинович – доктор технических наук, профессор кафедры “Биотехнология, стандартизация и сертификация сельскохозяйственной продукции” Ташкентского государственного аграрного университета, *muminov.najmaddin@mail.ru*; тел. +998903291543

Насирова Нилуфархон Қобилджановна - доцент кафедры “Биотехнологии, стандартизации и сертификации сельскохозяйственных продуктов” Ташкентского Государственного аграрного университета, доктор философии по химических наук (PhD); *mukhamedovanilufarkhon@gmail.com*, тел. +998974335005.

Аннотация: В данной статье приведен аналитический обзор состояния и возможности выращивания и переработки, а также проблемы обеспечения, оценки качества и безопасности сельскохозяйственной и пищевой продукции, требований по организации экспорта их, роль международной системы стандартизации для обеспечения качества и безопасности сельскохозяйственной и пищевой продукции. На основе исследований и анализа выработаны выводы и рекомендации по организации, совершенствованию сферы деятельности.

Ключевые слова: степень переработки, качество пищевых продуктов, требования к организации экспорта, обеспечение безопасности пищевых продуктов, биологически активные добавки, добавляемые в пищевые продукты, международная система стандартизации

Problems of ensuring, evaluating the quality and safety of agricultural and food products

Muminov Najmiddin Shamsiddinovich – Professor of the Department of Biotechnology, Standardization and Certification of Agricultural Products, Tashkent State Agrarian University, Doctor of Technical Sciences;
muminov.najmaddin@mail.ru ; tel. +998903291543



Nasirova Nilufarkhon Kabilzhanovna - Associate Professor of the Department of Biotechnology, Standardization and Certification of Agricultural Products Tashkent State Agrarian University, Doctor of Philosophy in Chemical Sciences (PhD); mukhamedovanilufarkhon@gmail.com, tel. +998974335005.

Annotation: This article provides an analytical overview of the state and possibilities of cultivation and processing, as well as the problems of ensuring, evaluating the quality and safety of agricultural and food products, requirements for organizing their export, the role of the international standardization system to ensure the quality and safety of agricultural and food products. Based on research and analysis, conclusions and recommendations have been developed on the organization and improvement of the field of activity.

Key words: state of processing, quality of food, requirements for the organization of export, ensuring the safety of food products, biologically active additives added to food, international standardization system

ВВЕДЕНИЕ - INTRODUCTION

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан кўп марта “Агар маҳсулотда халқаро стандарт талаблари мужассам бўлмаса, у ҳеч қачон рақобатбардош бўла олмайди. Ҳар бир тадбиркор стандартларни биладиган ва тушунадиган муҳитни ятиш керак” деб таъкидлайди.

Хозирда, илфор хорижий давлатлардаги ишлаб чиқарувчилар ўз маҳсулотларини бозор талаблари асосида доимий равишда такомиллаштириб бориши ва янги инновацион технологияларни жадаллик билан жорий этилиши натижасида жаҳон бозорида шиддатли рақобат муҳити шаклланмоқда.

Мамлакатимизда ишлаб чиқариш шарт-шароитларни янада яхшилаш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш механизmlарини кенгайтиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу эса, энг аввало инсонлар фаровонлиги ва уларни соғлом ҳаёт кечиришларига хизмат қиласи.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг етакчи тармоғи саналади. Унда 3,6 миллион киши, яъни иқтисодиётда банд бўлганларнинг 27 % ишлайди.

ЯИМда тармоқ улуши 32 % га teng бўлса, соҳада фойдаланиладиган ер майдонлари республика ҳудудининг 45 foизини эгаллайди.

Хозирги вақтда 180 дан ортиқ турдаги қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари 80 дан ортиқ мамлакатга экспорт қилинмоқда.

2018 йил 16 январдаги “Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва айни пайтда ишлаб чиқилаётган Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси шу нуқтаи-назардан долзарбdir.

ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬ – ТАҲЛИЛ ҚИСМИ - EXPERIMENTAL AND ANALYTICAL PART

Қишлоқ хўжалиги дунёдаги энг катта иш берувчи тармоқdir. Бугун замин аҳолисининг 40 % айнан шу соҳада банд. Бу даромад келтирувчи ва бандликни таъминловчи асосий манбадир. Ривожланаётган мамлакатларда 5 млн. кичик фермер хўжаликлари озиқ-овқатнинг 80% етказиб беради.



Дунёда ҳар йили қарийб 4 млрд. тонна озиқ-овқат ишлаб чиқарилади, агар улардан оқилона фойдаланилиб, тақсимланса, бу аслида сайёра аҳлининг барчасига етган бўларди.

Озиқ-овқат хавфсизлиги мамлакат аҳолисини шу каби асосий маҳсулотлар билан ўзини ўзи, мустақил таъминлашга қодирлигини ифодалайди. Шунингдек, озиқ-овқат импортига ўта боғлиқлиқдан халос бўлганлигини англалади.

Давлатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш сиёсати қачон самара беради? Қачонки, маҳсулот ишлаб чиқариш ва импорт қилиш даражалари оқилона уйғунлаштирилса, бу борада аҳоли учун кафолатланган имкониятлар яратилса, халқаро прагматик ҳамкорлик алоқаларни ривожлантирилса, даврий равишда янгиланиб турадиган озиқ-овқат заҳирасини яратишга ҳам қаратилган бўлса.

Сўнгти 3 йилда мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини ва экспорт салоҳиятини оширишга бўлган ёндашув мутлақо ўзгарди, давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлантирилди.

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология хизмати, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги Бош давлат ветеринария бошқармаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги Ўсимликлар карантини бош давлат инспекцияси, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан амалга оширилади.



Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини сифати ва ҳавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари:

«Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва ҳавфсизлиги тўғрисида»



- “Стандартлаштириш тўғрисида”
- “Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”
- “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”
- “Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида”
- “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”
- “Истеъмолчиларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида
- “Ахоли санитария-эпидемиологик фаровонлиги тўғрисида”
 - “Радиацион хавфсизлик тўғрисида”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда ваколатли ушбу соҳадаги Давлат бошқарув органларининг тегишли қарор ва буйруқлари ҳисобланади.

Ўзбекистон мева-сабзавот экспортини ривожлантириш:

Сўнгти йилларда озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ҳажмларини кўпайтириш орқали ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш ҳамда мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида экин майдонлари сезиларли даражада кенгайтирилди. Туманларни мева-сабзавотчиликка ихтисослаштириш, маҳсулот етиштирувчиларни мева-сабзавотчилик кластерлари ҳамда кооперацияларга бирлаштириш чоралари кўрилмоқда.

Жаҳон бозорлари талабларига жавоб берга оладиган рақобатбардош қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда ҳудудларни ихтисослаштириш тўғри йўл эканлигини кўрсатмоқда.

Республика бўйича 55 та туман мева-сабзавотчиликка ихтисослаштирилди, ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар, чора-тадбирларга қарамасдан ҳудудларнинг салоҳиятидан самарали фойдаланиш тизими йўлга қўйилмаган.

Туманлар ҳудудларини тупроқ-иқлим шароитларига мос боғдорчилик, узумчилик, сабзавот-полизчилик, картошкачилик ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришга ихтисослаштириш орқали ички ва ташқи бозор талабларига жавоб берадиган рақобатбардош маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш ҳамда илм-фан янгиликларини кенг жорий этиш ва маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш лозим.



Ўзбекистон табиати, иқлим шароитлари, мавжуд ишчи кучи ресурсларидан ва географик жойлашувидан келиб чиқсан ҳолда, мамлакат иқтисодиётининг юқори сифатли мева ва сабзавотлар етиширишда йирик имкониятларидан фойдаланмоқ керак. Аммо, мавжуд салоҳият ва уни ҳаётда амалга ошириш – турли тушунча.

Жаҳон бозорида мева-сабзавот маҳсулотлари савдоси 205 миллиард АҚШ долларини ташкил этган бир пайтда, республиканинг мазкур бозордаги улуши 1% га етмайди. Ушбу маҳсулотларинг мамлакат экспорти таркибидаги улуши эса атиги 7% ни ташкил қилади.

Кишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат маҳсулотларини сифати ҳамда ҳавфизлиги бўйича асосий термин ва тушунчалар:

- **озиқ-овқатлар** –кишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат хом ашёсидан тайёрланган ҳамда натурал ёки қайта ишланган ҳолида истеъмол қилинадиган маҳсулотлар;
- **озиқ-овқат маҳсулотининг сифати** - озиқ-овқат маҳсулотининг истеъмол хоссаларини белгилаб берадиган ва унинг одамлар ҳаёти ва соғлиғи учун ҳавфизлигини таъминлайдиган мезонлар мажмуи;
- **озиқ-овқат маҳсулотининг ҳавфизлиги** - озиқ-овқат маҳсулотининг санитария, ветеринария, фитосанитария нормалари ва қоидаларига мослиги;
- **гигиена сертификати** - озиқ-овқат маҳсулоти, технология, ускуна ва бошқа жараёнлар амалдаги санитария нормалари ва қоидаларига мос эканлигини тасдиқлайдиган ҳужжат;
- **овқатга қўшиладиган биологик фаол қўшимчалар** — озиқ-овқат хом ашёсини қайта ишлаш йўли билан ёки сунъий усулда ҳосил қилинган ҳамда бевосита овқат билан бирга истеъмол қилишга ёки озиқ-овқат маҳсулотлари таркибига қўшишга мўлжалланган табиий ёхуд табиийга айнан ўхшайдиган биологик фаол моддаларнинг концентратлари;
- **токсикология-гигиена экспертизаси** — озиқ-овқат маҳсулоти устида амалга ошириладиган бир туркум лаборатория тадқиқотлари бўлиб, улар мавжуд нормалар ва қоидалар билан қиёслашга мўлжалланган бўлади;



- **озиқ-овқат қўшимчалари** — озиқ-овқатларга белгиланган хоссаларни баҳш этиш ва (ёки) уларни сақлаб қолиш мақсадида атайлаб қўшиладиган табиий ҳолдаги ёки синтез қилинган моддалар, бирикмалар;
- **озиқ-овқат маҳсулотининг яроқлилик муддати (фойдаланиш муддати)** — бу муддат давомида озиқ-овқат маҳсулотини сақлаш, ташиш, реализация қилиш чоғида хавфсизлик нормалари ва қоидалари талабларига риоя этилган тақдирда у фойдаланишга яроқли бўлиб туради, бу муддат тамом бўлганидан кейин эса маҳсулот одамлар ҳаёти ва саломатлиги учун хавфли бўлиб қолиши мумкин.



Озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигига оид норматив ҳужжатлар базасини такомилаштириш: Ўзбекистон Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги норматив ҳужжатлари фондида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва уларни сифат ва хавфсизлик синовларига оид жами – 2573 стандартлар мавжуд, жумладан:

- ❖ 702 та ҳалқаро стандартлар;
- ❖ 844 та давлатлараро стандартлар;
- ❖ 420 та давлат стандартлари;
- ❖ 2007 та ташкилот стандартлар.

Стандартлаштириш соҳасида ҳалқаро стандартлар қўлланилиши устувор қилиб белгиланганлигидан келиб чиқиб, Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат



маҳсулотларига оид 120 та давлат стандартлари халқаро ISO стандартлари билан тұлық уйғулаштирилген.

Шунингдек, Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институти томонидан озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнида тизимли равишда уларнинг сифати ва хавфсизлигини назорат қилишни таъминлаш мақсадида, халқаро ISO 22000 сериядаги (O`z DSt ISO 22000, O`z DSt ISO/TS 22003, O`z DSt ISO/TS 22004) стандартлари ишлаб чиқилиб, амалиётта тадбиқ этилди.

Кишлоқ хұжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигига доир техник регламентларни ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш юзасидан, ҮзР Вазирлар Маҳкамасининг 10.05.2010 й. №86-сонли ҳамда 30.07.2014 й. №207 -сонли қарорларига мувофиқ, ҮзР Президентининг 18.12.2019 йил 4059 сонли Фармонига асосан, 20 дан ортиқ техник регламентлар ишлаб чиқиш режалаштирилген бўлиб, шулардан 18 таси ишлаб чиқилиб тасдиқланган, жумладан,

- Алкогол маҳсулотлари хавфсизлиги тұғрисида;
 - Сут ва сут маҳсулотлари хавфсизлиги тұғрисида
 - Гүшт ва гүшт маҳсулотлари хавфсизлиги тұғрисида;
 - Ёғ-мой маҳсулотлари хавфсизлиги тұғрисида
 - Мева ва сабзовотлардан олинган сок маҳсулотлари хавфсизлиги тұғрисида
 - Озиқ-овқат маҳсулотлари ёрликланишига бўлган талаблар
 - Озиқ-овқат маҳсулотлари қадоқланиши хавфсизлиги тұғрисида
 - Тамаки ва тамаки маҳсулотлари хавфсизлиги тұғрисида;
 - Қадоқланадиган ичимлик суви хавфсизлиги тұғрисида
 - Махсус техник регламентлар:
 - Дон маҳсулотларини қайта ишлашдан олинган маҳсулотлар хавфсизлиги тұғрисида
- Нон маҳсулотлари хавфсизлиги тұғрисида;
- Макарон маҳсулотлари хавфсизлиги тұғрисида.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 28 февралдаги ПҚ-91-сон карорига 2-илова “Техник регламентларни қайта кўриб чиқиш ва янгилаш дастури”га кўра, 2024-2025 йилларда 40 та техник регламентлар қайта кўриб чиқилади, 2025-2028 йилларда 28 та техник регламентлар янги ишлаб чиқилади.

Мамлакат экспортида мева-сабзавот маҳсулотлари ҳажмини кескин ошириш ва уларнинг ассортиментини кенгайтириш салоҳияти:

Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва уларнинг ташқи бозорларга экспортини ривожлантиришда улкан салоҳиятга эга. Аммо шуни унутмаслик керакки, салоҳият ва уни амалга ошириш икки хил тушунча. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини ўсиши автоматик равишда экспорт ҳажмини кўпайишига олиб келмайди.

Сабаби, экспортда авваламбор, потенциал истеъмолчига қайси маҳсулот кераклигини ва унинг эҳтиёжини тушуниш керак. Шунингдек, ҳақиқий истеъмолчи ким ва у қайси мамлакатларда яшайди каби саволларга ҳам жавоб бўлиши керак.

Бундан ташқари, мевалар экспорти ҳақида гап кетганда, боғ барпо этишдан бошлиб токи у ҳосилга киргунгача кетган вақтда истеъмолчиларнинг эҳтиёжи ва талаби қандай ўзгаришини олдиндан кўра билиш лозим.


Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган ва сифат жиҳатдан дунёнинг етакчи компаниялари товарлари билан бугунги кунда бемалол рақобатлаша оладиган мева-сабзавот ва уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган 180 турдан ортиқ маҳсулотларимиз дунёнинг 80 га яқин давлатларига экспорт қилинмоқда.

Масалан, Европа Иттифоқида, АҚШ ва кўплаб ривожланган мамлакатларда ҳозирги кунда “премиум” тоифасига кирмайдиган мева ва сабзавотларга талаб деярли йўқ.

Бундан ташқари, ҳар бир мамлакатда меваларнинг турли хусусиятларига нисбатан ўзига хос уларнинг ранги, таъми, калибри ва бошқа хусусиятлари бўйича талаблар ва эҳтиёжлар мавжуд.

Экспортни амалга оширишида бозор таҳлилларини тўғри тушунии керак. Акс ҳолда, маҳсулотга талаб умуман бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳоллар Ўзбекистонда кўп учрайди. Аммо маҳсулот етиштириши – ишининг ҳаттоқи ярми ҳам эмас.

Мева-сабзавот маҳсулотларини етиштиришда уларни истеъмолчиларга сифатли (хусусиятларини йўқотмаган ёки максимал даражада сақлаган) ҳолда етказиб бериш, маълум вақт сақланиши ва қадоклаш каби омилларни ҳисобга олиш жуда муҳим ҳисобланади.



Етиштирилаётган мева ва сабзавотларнинг қайси турларини экспорт учун истиқболли? Ўзбекистон мева ва сабзавотларнинг қайси турларида ташқи бозорларда муваффақиятли рақобатлаша олиши, эгаллаши ёки уларда ўз улушкини ошириши мумкин?

Бу масалада ҳар доим мавжуд иқлим шароитидан келиб чиқсан ҳолда мулоҳаза юритиш лозим. Ўзбекистонда ноёб хусусиятларга эга маҳсулотлар етиштириш мумкин.

Бу борада муҳим омилни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон географик жиҳатдан барча ташқи бозорлардан (мева ва сабзавотлар экспорти учун) узоқ масофада жойлашган. Бу дегани, маҳсулотни истеъмолчиларга етказиб бериш харажатлари, яъни логистика харажатлари доим юқори бўлади.

Арzon нарҳдаги маҳсулотларни экспорт қилишнинг маъноси йўқ. Бундан ташқари, мамлакатда ишчи кучининг етарлилигидан ҳам фойдаланиш лозим – ҳосил йигим-терим жараёни қанчалик меҳнат талаб ва харажатли бўлса, Ўзбекистоннинг ушбу маҳсулотни экспорт қилиш имконияти шунчалик юқори бўлади.

Албатта, маҳсулотнинг сифати, хавфсизлиги ва унинг сақланишини таъминлаш зарур инфратузилма ва билимларнинг мавжудлигига ҳам боғлиқ.

Қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат маҳсулотларни экспорт қилишнинг аҳамияти:

- Ўзбекистон иқтисодиётининг самарали ўсишига замин яратилади;
- Янги иш ўринлари яратилади;
- Маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги ошади;
- Янги инвестициялар жалб қилинади;
- Инновацион технологиялар жорий этилади;
- Ишлаб чиқариш қувватлари ошади.

Бугунги кунда 120дан ортиқ озиқ-овқат ишлаб чиқариш корхоналарида сифат менежмент тизимлари жорий этилган бўлиб, 70 дан ортиғи ISO 9001 - “Сифат менежмент тизими”, 56 таси ISO 22000 - “Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлик менежменти тизими, 14 таси OHSAS 18001 - “Соғлиқни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлигини таъминлаш менежменти” халқаро стандартларига эгадир.



Соҳага оид долзарб масалалар:

- Экспорт қилинаётган давлатларда стандартлаштириш талабларини шакллантириш (Halal, HACCP, Global Gap, Органик стандартлар.)
- Импортер давлатнинг сертификатлаштириш талабларини ўрганиш
- Маҳсулот туридан келиб чиқган холда халқаро талаблар ва амалдаги нормалар ўртасидаги тафовутни аниқлаш ва бир хиллаштириш;

- Импортер давлатнинг талабларини шакллантириш (зараарли моддалар назорати, гигиена қоидалари, фитосанитария, ветеринария талаблари, пестицид ва микробиология талаблари, бозор стандартлари);
- Импортер давлатга олиб кирилиши рухсат этилган товарлар рўйхатини шакллантириш;
- Хар йили ўтказиладиган кўргазма ва ярмаркалар тўғрисида маълумотни ишлаб чиқарувчига етказиш;
- Сифат тизимлари (шу жумладан ИСО 22000) стандартини кенг жорий этиш;
- Синов лабораторияларини модернизация қилиш, ҳалқаро методларни кўллаш;
- Ижтимоий рекламалар тайёрлаш;
- Экспортёр корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ҳалқаро талаблар билан солиштириш ва тафовутларни бартараф этиш.



Тайёр маҳсулот сифатини назорат қилиш: Қабул қилиш ва топшириш синовлари:

- Маҳсулот мазаси ва ҳидини органолептик (сезги органлари билан) баҳолаш;
- Маҳсулот ташқи қўриниши ва шаклинни кўз билан баҳолаш;
- Маҳсулотни намлик ва кислоталилик даражасини баҳолаш;
 - маҳсулот таркибидаги ёғ, шакар ва балласт (зола, кул) миқдорини баҳолаш
 - ; -маҳсулот оғирлигини ўлчаш.

Даврий синовлар:

- маҳсулот таркибидаги заарли оғир металлар ва радиоактив элементларни аниқлаш (симоб, мышьяқ, кадмий, свинец, мис, рух, цезий, кобольт...);
- пестицидлар, микотоксинлар, радионуклиидларни аниқлаш;
- микробиологик кўрсаткичларни аниқлаш.

**ХУЛОСАЛАР ВА ТАКЛИФЛАР –****CONCLUSIONS AND RECOMMENDATIONS**

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун қўйидагилар мухимдир:

- қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан унумли, самарали фойдаланишни таъминлаш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибида озиқ-овқат маҳсулотлари улушининг юқори бўлишига эришиш;
- қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларининг зарур ҳажмларда этиштириш;
- этиштирилаётган озиқ-овқат таннархини пасайтириш;
- дехқончилик маҳсулотлари ҳосилдорлиги ва чорвачиликда маҳсулдорликни ошириш вазифаларини ҳал этиш учун замонавий агротехнологиялар жорий этилишини рағбатлантириш;
- қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш ва тайёрлаш, тақсимлаш, қайта ишлаш ва сотишнинг самарали тизимини яратиш;
- янги ва қайта ишланган озиқ-овқат маҳсулотларини саклашнинг самарали усувларини татбиқ этиш;
- овқатланиш стандартлари ва меъёrlарини жорий этиш (шу жумладан, микроэлементлар ва зарур нутриентлар мавжуд бўлиши, заарли моддалар, турли қўшимчалар, бўёқлар, таъм берувчилар, эмульгаторларни назорат қилиш, тайёрлаш, ташиш технологияларига риоя қилишни назорат қилиш);
- овқатланиш сифати устидан назорат қилиш механизмини янада ривожлантириш;
- аҳолининг овқатланиш моделини яхшилаш мақсадида соғлом овқатланиш тўғрисидаги зарур ахборотни тарқатиш;

Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлардан мақсад – иқтисодий фойда қўриш билан бирга, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ҳалқ фаровонлигини оширишдан иборатдир.

Шу кунларда кўплаб мамлакатлар бозорларидағи мўл-кўлчилик билан бир қаторда, баъзи олимлар ва эксперталар, иқтисодчилар маълум омиллар туфайли



қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари нархи юқори бўлиб қолаётганидан хавотир билдиримоқда.

Албатта, бу омиллар қишлоқ хўжалигида наслчилик ва уруғчилик ҳолати, экинларни маълум бир тупроқ турига тайёрлаш ва самарали жойлаштириш ҳолати, ўсимликларнинг вегетатив ўсиши даврида тегишли агротехнологик тадбирлар ва жараёнларни сифатли ва ўз вақтида ташкил этиш ва амалга ошириш, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг самарали воситаларидан фойдаланишдан иборатdir.

Шунингдек, ҳосил этишмовчилигининг олдини олиш учун маҳсулотнинг озуқавий қиймати ва фойдалиигини таъминлаш учун этиштирилган ҳосилни сифатли қайта ишлаш, уларни сақлашнинг мақбул шароитлари ва режимларини ишлаб чиқиши, маҳсулот сифати ва хавфсизлигини баҳолаш соҳасида халқаро стандартлар талабарини ҳисобга олган ҳолда транспорт ва логистика хизматларини ташкил этиш, соҳада замонавий самарали давлат бошқаруви механизмларини қўллаш ва такомиллаштиришдан иборат.

Кейинги йилларда ўсимликларнинг вегетатив ўсиши даврида турли хил касалликларнинг кўпайиши туфайли этиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳосилдорлик даражаси пастлигича қолмоқда, натижада жуда катта миқдордаги бажарилган ишлар ва ишлатилган ресурслар (ўғитлар, ёқилғи, сув, меҳнат ва бошқалар.) самарасиз бўлиб қолмоқда.

Буларнинг барчаси нархларнинг ошишига ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг этишмаслигига олиб келиши мумкин.

Шу билан бирга, юқорида айтиб ўтилган муаммоларга тизимли ёндашадиган, мавжуд ва кутилаётган муаммолар ва хавфларни, истеъмолчилар ва мижозларнинг хоҳиш ва талабарини ҳисобга олган ҳолда эҳтиёт чораларини кўрадиган ва натижада яхши ҳосил оладиган йирик фермер хўжаликлари ва агрокластерлар ҳам мавжуд.

Аммо улар асосан ўз маҳсулотларини экспорт қилишга қаратилган бўлиб, ички бозор асосан кичик фермерлар, якка тартибдаги томорқа уй хўжаликлари вакиллари томонидан қондирилади.



Аҳолини озиқ-овқат ресурслари билан таъминлаш, озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш жиддий муаммога айланиб бораётган ҳозирги пайтда ушбу масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади.

Озиқ-овқат сифатига таъсир етувчи омилларни тизимли аниқлаш, баҳолаш ва бошқариш, юқоридаги вазифаларни ҳал қилиш бўйича етакчи мутахассислар гурухининг асосий вазифаси бўлиб, бу корхоналарда табиий ва хавфсиз маҳсулотлар ишлаб чиқаришга имкон беради.

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш ушбу соҳада ҳалқаро стандартларни жорий этиш, миллий стандартлар талабларини ҳалқаро стандартлар билан уйғунлаштириш ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш зарурлигини кўрсатади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини баҳолашнинг замонавий ёндашуви ва усулларини ўрганиш ва амалга ошириш, барча иштирокчилар ўз фаолиятига масъулият билан ёндашиш механизмларини ишлаб чиқиш зарур.

Сифат стандартлари одатий ҳолга айланиши учун стандарт талабларига жавоб бериш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспортини ривожлантириш учун шарт-шароитларни яхшилаш ва яратиш учун ишлаб чиқарувчилар ва миллий эксперталар, учун мева ва сабзавот маҳсулотларини етиштириш, куритиш, нафакат ишлаб чиқаришни, балки Европа бозорларининг талабларини ҳам биладиган, ишлаб чиқаришда катта тажрибага эга бўлган чет элдан тажрибали мутахассисни жалб қилган ҳолда тренинглар ташкил этиш керак.

Ушбу вазифаларнинг барчасини бажариш аграр соҳаларнинг барча тармоқлари вакиллари, ишлаб чиқарувчилар, қайта ишловчилар, технологлар, стандартлаштириш, сертификатлаштириш, метрологлар, ҳалқаро иқтисодчилар, олимлар, университет профессор-ўқитувчилари, божхона, транспорт ва логистика маркази ходимлари ва хизмат кўрсатиш соҳаси ходимларининг биргаликдаги саъй-ҳаракатларини талаб қиласди.



Ишлаб чиқариш корхоналарининг бозор иқтисодиётининг ўзгарувчан талабларига мослашувчанлиги, ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотларини импорт ва экспорт имкониятларини илмий асосланмаганлиги, тажриба-синов ва муҳандис-конструкторлик ишларини ташкил қилишнинг унчалик юқори бўлмаган даражаси, озиқ-овқат маҳсулотларини сифат ва хавфсизлигини баҳолаш кўрсаткичларининг замонавий усусларини қўллаш билан боғлиқ фундаментал, амалий ва инновацион илмий-тадқиқот ишларини олиб борилмаётганлиги соҳа ривожланишига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Халқаро ташкилотлар талаблар ва ривожланган мамлакатларнинг янги технологиялари, илғор тажрибаларини жалб қилган ҳолда қишлоқ хўжалиги, қайта ишлаш ва озиқ-овқат соҳаси вакиллари учун мастер-класслар уюштириш;

Ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш соҳаларида доимий ўзаро тажриба алмашишларни ташкил қилиш;

Халқаро даражада тан олинган тажрибаларни ўзлаштириш, турли конференция ва семинарлар ўтказиш;

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифатини ва хавфсизлигини таъминлаш тадбирларини режалаштириш:

Ишлаб чиқариш жараёнини меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш;

Корхона хузурида синов лабораториясини ташкил этиш;

Ишлаб чиқаришни технологик жараён ва рецептурадан четлашмаган ҳолда ташкиллаштириш;

маҳсулотни ташишиш ва сақлаш қоидаларига қатъий амал қилиш;

Маҳсулот ёслигига истеъмолчи учун зарур бўлган барча маълумотларни тўлиқ ва тўғри кўрсатиш мақсаддага мувофиқдир.

Тизим инфраструктурасини яхшилаш, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, ишлаб чиқаришга замонавий илм-фан ютуқларини жорий қилиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сифат ва хавфсизлигини таъминлаш, республика экспорт салоҳиятини ошириш билан боғлиқ ишларни ташкил қилиш,



мувофиқлаштириш ва бошқариш билан боғлиқ фаолиятни юқори босқичга кўтаришга хизмат қиласди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ –

LIST OF USED LITERATURE

1. ЎзР Президентининг 2020 йил 18 майдаги ПФ-5995-сонли “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарори.
2. Закон Республики Узбекистан «О качестве и безопасности пищевой продукции». г. Ташкент, 30 августа 1997 г., № 483-І.
3. Указ Президента Республики Узбекистан от 23 октября 2019г. № УП-5853 «Об утверждении Стратегии развития сельского хозяйства РУз на 2020-2030 годы».
4. С.В.Калашникова, В.И.Манжесов, И.В.Максимов “Стандартизация продукции растениеводства” Воронеж – 2011
5. Руководство по методам анализа качества и безопасности пищевых продуктов / под ред. И. М. Скурихина, В. А. Тутельяна. – М. : Брандес-Медицина, 2008. – 341 с.
6. Эллер К. И. Методы контроля качества и безопасности пищевых продуктов // Рос. хим. журн. – № 1. – 2004. – С. 92–96.
7. Руководство по пред-экспортной инспекции свежей плодоовошной продукции на основе стандартов ЕЭК ООН. Центральная Азия 2022.
8. Муминов Н.Ш., Зокиров А.А., Абдирайимов А.Р. и др. Роль международных стандартов при увеличение экспортного потенциала сельскохозяйственных продуктов. Материалы к межд. конференции: “Актуальные проблемы теория и практика аграрной науки и их решение” посвященное 90 летие. ТашГАУ Ташкент. 14-15 декабря 2020года.
9. Муминов Н.Ш., Акобирова Н.Н. Международный опыт в обеспечении качества и конкурентоспособности пищевой продукции. Материалы доклада к



межд. конф-и: “Актуальные проблемы теория и практика аграрной науки и их решение” посвященное 90 летие ТашГАУ Ташкент. 14-15 декабря 2020года.

10. Муминов Н.Ш., А.Р.Абдирайимов, Асилова Ф.М, Акобирова Н.Н. Стандартизация и сертификация в обеспечение качества и безопасности, а также экспортоорентированности сельскохозяйственной и пищевой продукции. «Вестник аграрной науки Узбекистана» респуб. научно-практический журнал, входящий в перечень научных изданий ВАК РУз. №4 2020 год

11. Муминов Н.Ш. Қишлоқ хужалиги ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларини сифат ва ҳавфсизлигини ҳамба экспорт салоҳиятини ошириш имкониятлари. ТХТИ. Кимё ва озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва ҳавфсизлигини таъминлашда инновацион технологиялар Халқаро илмий-техникавий конференция тезислар тўплами. Ташкент- 2022г. 7-13 бетлар.

12. Материалы интернета.